



Ислом Тараққиёт Банки (IDB) Сенегалга 3 та жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга лойихаларни амалга ошириш учун 144 млн АКШ доллари миқдорида маблағ тақдим қилди.

Муслимэконинг хабар қилишича, ушбу молиялаштириш тўғрисидаги келишув Дакарда ўтказилган IDBнинг 40-йиллиги муносабати билан ташкил қилинган IDBнинг маҳаллий форуми яқунлари бўйича тадбирида, Ислом тараққиёт банки президенти Ахмад Муҳаммад Али ва Сенегалнинг иқтисодиёт ва молия вазири Амаду Ба томонидан имзоланган.

Биринчи лойиха Дакардаги сув тошқинларининг олдини олиш бўйича инфратузилмалар билан боғлиқ бўлиб, ушбу лойихани амалга ошириш учун IDB 39 млн доллар ажратган.

Иккинчи лойиха озик-овқат тақчиллигига қарши кураш дастурини амалга ошириш бўлиб, қиймати 26 млн долларга тенг.

Учинчи лойиха эса Дакар шимолидаги канализация ва сув қувурлари тизимини таъмирлаш билан боғлиқ бўлиб, 79 млн доллар маблағ ажратилган.

Сенегал давлати 1976 йили Ислом тараққиёт банки таркибига кирганидан сўнг, банк ушбу давлатга 106 та лойиха ва дастурларни амалга ошириш учун умумий миқдорда 1,229 млрд доллар маблағ ажратган. Хусусан, ушбу маблағнинг 282,6 млн доллари Савдо молияси бўйича Халқаро Ислом корпорацияси томонидан савдо битимларини тузиш учун мўлжалланган.